

VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ *(фермер ва дехқон хўжаликларисиз)*

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатдан ўтган юридик шахслар сони 35385 тани ташкил қилиб, шундан 31030 таси ёки 87,7 % фаолият кўрсатмоқда.

-  Рўйхатдан ўтганлар 35385 та
-  Фаолият кўрсатаётганлар 31030 та
-  Янги ташкил этилганлар 5456 та
-  Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони 25410 та бўлиб, 2018 йил давомида 5080 та янги ташкил этилди.
-  Хорижий сармоя иштирокидаги 851 та корхоналар фаолият кўрсатмоқда
-  Ўтган йилга нисбатан 1348 та корхона ва ташкилотлар тутатилиши камайганлиги кузатилган

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдода 8021 та (22,7 %), саноатда 6846 та (19,3 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 2811 та (7,9 %) ва қурилишда 2659 та (7,5 %) соҳаларига тўғри келади.

**Корхоналар ва ташкилотларнинг йиллар кесимида
сони, бирликда**

28954 та

30775 та

35385 та

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан %да	бирлик	якунга нисбатан %да
Жами	35385	100	31030	100
<i>ишу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3959	11,2	3510	11,3
саноат	6846	19,3	6019	19,4
курилиш	2659	7,5	2296	7,4
савдо	8021	22,7	6795	21,9
ташиш ва сақлаш	1212	3,4	1077	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2811	7,9	2333	7,5
ахборот ва алоқа	518	1,5	396	1,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	585	1,7	547	1,8
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	8774	24,8	8057	26,0

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 90,2 % нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 22,1 % хусусий корхоналар, 2,9 % чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 % акциядорлик жамиятлари ва 74,8 % бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг
мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши
(январь-декабрь, умумий сонига нисбатан % ҳисобида)**




2018 йил январь-декабрда жами 6900 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 5080 та). Уларнинг асосий қисми Паркент (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 10,2 %), Зангиота (8,5 %), Қибрай (8,0 %), Тошкент (6,9 %), Ўртачирчик (5,4 %), Янгийўл (5,4 %), Юқоричирчик (5,0 %), Бекобод (4,6 %), Бўстонлиқ (4,4 %), Қуайчирчик (4,2 %) ва Бўка (4,1 %) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 15,9 % савдо, 19,1 % саноат ва 8,4 % курилиш соҳаларига тўғри келади.

**Янги ташкил этилган корхоналар ва
ташкилотларнинг йиллар кесимида сони, бирликда**



**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий
фаолият турлари кесимидағи сони, бирликда
(фермер ва дәхқон хўжаликларидан ташқари)**



Ҳисобот даврида 1445 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тутатилган бўлиб, улардан 386 таси (жами фаолияти тутатилганларнинг 26,7 %) ихтиёрий тутатилиш тартибини кўллаш орқали тутатилган.

2019 йил 1 январь ҳолатига 28,7 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйҳатга олинган бўлиб, шундан масъулияти чекланган жамиятлар – 19,2 мингта, хусусий корхона – 7,0 мингта, оиласиий корхона – 1,7 мингта, бошқа тижорат корхоналари – 0,8 мингтани ташкил этади.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг
ташкилий ҳуқуқий шакллари**
(январь-декабрь жамига нисбатан %да)




2018 йилнинг январь–декабрда жами 5,4 мингта янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 5,1 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Зангиота тумани (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 9,8 %), Қибрай (8,6 %), Тошкент (6,8 %) ва Ўртачирчик (5,8 %) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 20,1 % савдо, 24,1 % саноат ва 15,7 % қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 1120 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 271 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 24,2 %) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.


Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар 2019 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 851 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 268 тага ёки 46,0 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни йиллар кесимида сони, бирликда




Худудлар кесимида, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Зангиота тумани (104 та ёки 12,2%), Қибрай тумани (87 та ёки 10,2 %), Юқоричирчиқ тумани (76 та ёки 8,9 %) ва Ангрен шаҳри (69 та ёки 8,1%) ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокидаги корхоналар Бекобод (5 та ёки 0,6 %), Бўка туманлари (6 та ёки 0,7 %) ва Бекобод шаҳар (7 та ёки 0,8 %) ҳиссаларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ҳудудлар кесимида сони, бирликда



Фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида корхоналар улуши, %



2018 йил январь–декабрь ойларида хорижий мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 253 тани ташкил этди. Бунда, асосан Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида – 79 та, Россия Федерацияси – 36 та, Туркия Республикаси – 34 та, Қозоғистон Республикаси – 31 та, Корея Республикаси – 17 та ва 36 та бошқа мамлакатларнинг янги корхоналарига тўғри келади.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда



**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши
(2019 йил 1 январь холатига)**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан, %</i>
Жами	851	100
<i>ишу жумладан:</i>		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	74	8,7
Саноат	532	62,5
Курилиш	21	2,4
Савдо	119	14,0
Ташиб ва сақлаш	19	2,2
Яаша ва овқатланиш бўйича хизматлар	15	1,8
Ахборот ва алоқа	1	0,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	9	1,1
Бошқа фаолият турлари	61	7,2

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитални иштирокида фаолият кўрсатадиган 851 та корхонанинг 532 таси (62,5 %) – саноат, 119 та (14,0 %) – савдо, 74 таси (8,7 %) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 19 та (2,2 %) – ташиб ва сақлаш, 15 та (1,8 %) – яаша ва овқатланиш бўйича хизматлар, 21 та (2,4 %) – қурилиш соҳасига тўғри келади.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари кесимида худудлар бўйича тақсимланиши
(2019 йил 1 январь холатига)**

Туман ва шаҳарлар	Жами	Қашшоқ ва ўрмон хўялиги	Саноат	Қурилиш	Савдо	Ташниш ва саклан	Яшап ва овқатланиш бўйича хизматлар	Ахборот ва алоқа	Соғлиқни саклан ва ижтимоӣ хизматлар кўрсатиш	Бонкалар
Тошкент вилояти	851	74	532	21	119	19	15	1	9	61
<i>туман:</i>										
Оккўргон	10	1	7		1		1			
Оҳангарон	42	5	31		2					4
Бекобод	5	1	3		1					
Бўстонлик	32	11	13		3	1	2			2
Бўка	6	1	3		1		1			
Куйичирчик	20	5	12		2					1
Зангиота	104	11	47	3	26	7	1		1	8
Юкоричирчик	76	6	51		13				2	4
Қибрай	87	10	52	4	10	2	1		1	7
Паркент	18	2	11	1	1					3
Пискент	11	4	6		1					
Ўртачирчик	44	9	19	1	4	1	1	1	1	7
Чиноз	18	1	13	1	3					
Янгийўл	52	3	36	1	10					2
Тошкент	54	1	30		13	6			1	3
<i>шаҳар:</i>										
Нурафшон ш.	27	2	14	4	3		1			3
Олмалиқ ш.	29		15		7		3			4
Ангрен ш.	69		57	2	7		1			2
Бекобод ш.	7		5			1				1
Оҳангарон ш.	35		31		1					3
Чирчик ш.	64		47	3	3	1	3		3	4
Янгийўл ш.	41	1	29	1	7					3

Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатоётган хорижий капитал иштироқидаги корхоналар сони, бирликда



**2018 йил январь-декабрда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда давлат ва нодавлат секторларининг нисбати
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**

